

**Компьютерлар ва уларнинг қурилмаларига техник
хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича**

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказида
Компьютерлар ва уларнинг қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш
бўйича энг яхши таклифларни танлаш эълон қилади.
Хизмат номи: Компьютер ва уларнинг қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

Танлашни ўтказиш шакли: Электрон шаклда.

Шартноманинг бошланғич баҳоси: 13 000 000 (Ўн уч миллион) сўм

Танлов ҳужжатларини қабул қиладиган ҳамда танлов ўтказиладиган манзил:
<https://etender.uzex.uz/>

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга амал қилган ҳолда танловда иштирок этишлари мумкин:

- 1) Кафолат хати (PDF форматда бўлиши шарт)
- 2) Қатнашувчиларнинг банк К2 йуклиги ва ДСИ дан қарздорлик бўйича маълумот
- 3) Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий кадр ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
- 4) Инсофсиз тадбиркорлар бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумот
- 5) ГУВОХНОМА (фаолиятни тасдиқловчи ҳужжат)

Танлов иштирокчиларига танлаш бўйича харид қилиш қоидаларига доир тушунтириш юзасидан иштирокчилар билан алоқада бўладиган шахс: Молиялаштириши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бош мутахассис-ҳисобчиси Расулов С.А. тел.:97 609-65-76.

Таклифларни тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана: Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вақтга қадар.

Буюртмачининг юридик манзили: Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, А.Яссавий МФЙ, Ш.Рашидов кўчаси 1-уй.

Танлов ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби:

- танлов иштирокчиси фақат бир таклиф беришга ҳақли;
- танлов ҳужжатларида тузатишларга (матн, сўз ва рақамларни буяш) йўл қўйилмайди. Агарда ҳужжатларда тузатишлар аниқланса ушбу танлов ҳужжати комиссия томонидан четлаштирилади;
- танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.
- танлов комиссия аъзолари томонидан мазкур танлов иштирокчиларининг танловда этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги қонун талаблари бузилганлик ҳолати аниқланган тақдирда ҳар қандай вазиятда танловдан четлаштирилади ва қайта иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- тижорат таклифи
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза.
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома:
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамойилларининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома;
- инсофсиз иштирокчиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг рўйхатга олинганлик гувоҳнома нусхаси (ташкилот раҳбари томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим);

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Кўрсатилаётган хизматларнинг хусусиятлари ва кўлами.

1.1. Компьютер ва принтер тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (кейинги ўринларда компьютерлар) компьютерлар ва принтерларни иш ҳолатида сақлаш учун режалаштирилган профилактика характеридаги ташкилий- техник тадбирлар мажмуасидир.

1.2. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини ҳисоблаш учун компьютер ва принтерлар рўйхати иловада келтирилган.

1.3. “Пудратчи” Компьютерлар ва принтерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш куйидаги тартибда амалга оширилади:

1.3.1. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари “Пудратчи” томонидан Шартнома амал қилиш муддати давомида камида бир ойда 2 маротаба иловада кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширади. Агар Компьютерлар ва принтерларга техник хизмат кўрсатиш вақтида “Пудратчи” техник ҳолати хавфсиз самарали ишлашини таъминлай олмайдиган ва таъмирлашни талаб қиладиган усқунани аниқласа, “Пудратчи” бундай усқунанинг ҳар бир бирлиги учун “Буюртмачи” билан биргаликда “Нуқсон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома таъмирлаш учун асос бўлади.

2. Пудратчига қўйиладиган талаблар

2.1. Компьютерлар ва принтерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитилган ва электр хавфсизлиги бўйича малака гуруҳида тегишли лавозимга эга бўлган ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

2.2. “Пудратчи” буюртма бўйича ишларни бажариш учун мутахассисларнинг ўз вақтида “Буюртмачи”га юборишни таъминлаш.

2.3 “Пудратчи” ҳар қандай ишларни сифатсиз таъмирлаган бўлса, ушбу ишлар учун зарур бўладиган материаллар ва эҳтиёт қисмларни ўз маблағлари ҳисобидан қайта амалга ошириш.

2.4. Компьютерлар ва принтерларга техник хизмат кўрсатиш учун замонавий электр ўлчагич асбоблари ва диагностика усқуналаридан фойдаланадиган малакали мутахассислар томонидан амалга ошириш. Барча ўлчаш асбоблари ва асбоб- усқуналар “Пудратчи”нинг мулки бўлиши шарт.

2.5. “Пудратчи” иш вақтини ташкил этиш ва назорат қилиш, шунингдек меҳнат муҳофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этишини таъминлаш.

2.6. “Пудратчи” ўз ходимларини иш қуроллари, шахсий химоя воситалари, иш кийимлари, махсус жихозлар ва сарфланувчи материаллар билан таъминлаш.

3. Компьютерларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари

3.1. Компьютерларга таркибий қисмлари ва агрегатларини ташқи кўриқдан ўтказиш;

3.2. Жихозларнинг ишлашида шовқин, бегона товушлар ва тебранишлар мавжудлигини текшириш ва таъмирлаши.

3.3. Компьютерларни техник параметрларини текшириш.

3.4. Ташқи ва ички блокларнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш.

3.5. Ташқи ва ички қисмларни таъмирлаш.

3.6. Эҳтиёт қисмлар алмаштиришини талаб қилмайдиган ҳар қандай таъмирлаш ишлари.

3.7. Буюртмачи”да мавжуд бўлган эҳтиёт қисмларни алмаштириш билан боғлиқ таъмирлаш ишлари.

3.8. Меҳаник ва электр уланишларни текшириш ва таъмирлаш.

3.9. Усқуналар ва қурилмаларнинг электр параметрларини текшириш ва таъмирлаш.

4. Иш жойи ва вақти

4.1. “Буюртмачи”нинг компьютерлари ва принтерларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, А.Яссавий МФЙ, Ш.Рашидов кўчаси 1-уйда жойлашган Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказида амалга оширади.

4.2. Компьютерлар ва принтерлар тизимларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига қадар. Барча кўрсатилган техник хизмат курсатиш ишлари ҳар ойда камида уч маротаба амалга оширилади.

4.3. Компьютерлар ва принтерларга техник хизмат кўрсатиш “Буюртмачи”нинг иш вақти давомида амалга оширилади. Иш вақти дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, соат 9:00 дан 18:00 гача (5/7). Объектга кириш санаси ва вақти “Буюртмачи” билан олдиндан келишиб олинилади.

5. Бошқа шартлар

5.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек куннинг қоронгу вақтларида техник хизмат кўрсатиш учун “Пудратчи”нинг “Ишонч телефони” мавжудлигини таъминлаши шарт.

5.2. “Пудратчи”нинг ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини ҳамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат кўрсатишини таъминлаши шарт.

5.3. “Пудратчи”нинг ишонч телефонлари руйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сўнг берилишини таъминлаш ҳамда телефон рақамларидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни бир иш куни давомида “Буюртмачи”нинг вакилларига етказилишини таъминлаш.

5.4. Компьютерлар ва принтерларда аварияни бартараф этиш юзасидан “Буюртмачи”нинг ваколатли вакилидан телефон орқали ариза (буюртма) келиб тушганда, “Пудратчи”нинг вакили

объектга кечиктирмасдан етиб келишини таъминлаш.

5.5. Техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак.

5.6. Компютерлар ва принтерларнинг эҳтиёт қисмларини алмаштириш ишлари “Пудрачи” ҳисобидан амалга оширилади.

5.7. Кўрсатилган хизматларнинг натижасини топшириш қабул-қилиш далолатномасини имзолаш орқали амалга оширилади. “Пудратчи” “Буюртмачига” кўрсатилган хизматлар учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани ва ҳисоб-фактурани тақдим этади. Агар ускунага техник хизмат кўрсатиш самарали бажарилган бўлса ва Буюртмачида ҳеч қандай шикоят бўлмаса, кўрсатилган хизматларни қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзоланади.

Илова

Компютерлар ва принтерларни таъмирлаш хизматининг сони ва турлари

№	Наименование услуг	Количество
1.	Заправка картриджа для лазерного принтера: Canon, HP,	60
2.	Заправка струйных картриджей Epson L850 (оригинальные чернила и краска комплект 6 цвета Epson 673)	3
3.	Заправка струйных картриджей Epson L1455(оригинальные чернила и краска комплект 4 цвета Epson 664)	2
4.	Ремонт картриджа замена фотобарабана Canon, HP	26
5.	Ремонт картриджа замена магнитного вала Canon, HP	23
6.	Замена ролика подачи бумаги принтера	10
7.	Ремонт картриджа замена ракеля Canon	10
8.	Ремонт принтера замена резинового вала МФУ, Canon	3
9.	Ремонт принтера замена термопленки МФУ, Canon	4
10.	Ремонт картриджа замена зарядного ролика Canon, HP	26
11.	Замена дозир.лез Canon, HP	15
12.	Установка картриджа Canon MF445 (картридж 057H)	1
13.	Профилактика картриджей от принтеров профилактика и очистка принтеров. Смазка механизмов.	28
14.	Заправка МФУ Canon (лазерный цветной)	4
15.	Ремонт монитора замена блока питания	1
16.	Ремонт Моноблока установка ОЗУ DDR4 8GB	2
17.	Ремонт Моноблока установка SSD Hikvision 256GB SATA III 2,5	7
18.	Ремонт Моноблока установка ОЗУ DDR3 4GB	6
19.	Ремонт Ноутбука HP 250 замена клавиатура	1

Илова: ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

Мазкур шартнома лойҳаси дастлабки ҳисобланиб, унинг шартлари томонларнинг қарорига кўра қонунда белгилаган қоидаларга зид бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.

Шартнома № _____

2022 йил

Тошкент шаҳри

“.....” (келгусида “Бажарувчи”) асосида фаолият юритувчи _____ бир тарафдан ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази номидан Бош директор А.Тураев (келгусида “Буюртмачи”) Устав асосида фаолият юритувчи иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” худудидаги компьютер ва принтерлага техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш (техник топшириққа мувофиқ) буйича тузилди.

2. ШАРТНОМАНИНГ СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” худудидаги компьютер ва принтерлага хизмат курсатиш ва таъмирлаш (техник топшириққа мувофиқ) буйича шартнома баҳоси ҚҚС билан _____ сумни ташкил этади.

2.2. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида шартноманинг умумий баҳосининг 30 % миқдори олдиндан, қолган 70 % қисми барча шартлар тўлиқ бажарилгандан сўнг далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида ҳисоб-фактурага асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. Компьютер ва принтерлага техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни амалга ошириш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига қадар. Барча кўрсатилган техник хизмат курсатиш ишлари ҳар ойда камида 2 (икки) маротаба амалга оширилади.

4. ТОМОИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. “Бажарувчи” хизматни ўз вақтида кўрсатмаган ҳолда “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,5 % миқдорида пеня солинади, аммо ушбу жарима шартнома баҳосининг 50 %дан ошмаслиги керак.

4.2. 2.2-бандда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун ушбу шартнома буйича “Буюртмачи” кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тулайди, аммо кечиктирилган тулов пеня миқдори шартнома баҳосининг 50% дан ошмаслиги керак.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар хоҳиш иродасидан ташқари юзага келган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор ҳолатлар ва томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

5.2. Форс-мажор юзага келган ҳолатда, шартнома мажбуриятларини бажаришни имконсиз деб топган томон, бошқа томонга бу ҳақда форс-мажор ҳолатлари юзага келганидан кейин 10 кундан кечиктирмай ёзма хабар қилиши керак.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.

6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боғлиқ юзага келадиган барча келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар орқали хал қилинади.

6.2. Томонлар келиша олмаган низолар, келишмовчиликлар Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иқтисодий судида хал қилинади.

7. Коррупцияга қарши келишув

7.1 Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш буйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу даракларнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

7.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида

дарҳол ёзма равишда (электрон почта оркали) ёки бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 5 иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

7.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошққ томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қуйиши мумкин.

7.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

8.2 Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки улардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача амал қилади.


10. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БАЖАРУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

Комиссия раиси

Бош директор ўринбосари



Н.Хушмотов

Комиссия раиси ўринбосари

Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби
ва ҳисоботи бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи



М.Кўзибеков

Комиссия аъзолари:

Ички аудит ва комплаенс назорат
бўйича бош мутахассис



Б.Тайиров

Техник экинлар ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш бўлими бош мутахассиси



Ж.Абдуллаев

Ахборот-коммуникация ва рақамлаштириш
технологиялари шўъба бош мутахассис



Э.Абдураимов

Офис менежер



Б.Каримов

Комиссия котиби

Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва
ҳисоботи бўлими бош мутахассис-ҳисобчи

С.Расулов